

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Сув, электр ва газ учун тўлов муддати ўтказиб юборилса — шу заҳоти тармоқдан узиб қўядилар

16.10.2018 йилдаги ЎРҚ–500-сон Қонун билан Уй-жой кодексининг 134-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Кодекс илгари қабул қилинган қонуности ҳужжатларнинг нормаларини ўзида жамлади.

Биринчидан, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари маиший истеъмолчиларининг тўлов муддатлари билан боғлиқ зиддиятлар бартараф этилди. Эслатиб ўтамиз, Президентнинг 16.11.2017 йилдаги ПФ–5241-сон Фармониға мувофиқ, 2018 йил 1 январдан бошлаб барча гуруҳ истеъмолчиларига ушбу хизматлар 100 фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш асосида кўрсатилмоқда.

Бирок УЖКнинг 134-моддасида бошқа механизм — тўловларни ўтган ойдан кейинги ойнинг ўнинчи кунидан кечиктирмай ҳар ойда тўлаш назарда тутилган эди. Яъни қонунда ҳақиқатда истеъмол қилинган сув ҳажми учун (ёхуд ўтган ой учун норматив бўйича) кейин ҳақ тўлашга рухсат берилган эди. УЖК ва ПФ–5241-сон Фармон ўртасидаги зиддият бар-

тараф этилди. 17.10.2018 йилдан бошлаб сув ва канализация учун тўлиқ олдиндан ҳақ тўлаш талаб этилади.

Сув ресурслари истеъмолини ҳисобга олиш приборларига эга бўлган маиший истеъмолчилар 100 фоизлик олдиндан ҳақ тўлашининг аниқ механизми кейинроқ белгиланса керак.

Иккинчидан, маиший истеъмолчилар илк бор муддатни ўтказиб юборганларида сув таъминоти, канализация, электр ва газ тармоқларидан узиб қўйилишига йўл қўйилмас эди. УЖКнинг 134-моддасида фуқароларга қарзни қоплаш учун 3 ойлик муддат берилган эди. Аслида Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларининг 70-банди ва Табиий газдан фойдаланиш қоидаларининг 97-бандида бундан кам муддатлар (қарийб дарҳол) назарда тутилган эди. Қабул қилинган Қонунда белгиланишича, 17.10.2018 йилдан бошлаб коммунал хизматлар ва Мажбурий ижро бюроси 3 ойлик муддат ўтишини кутмасдан, маиший истеъмолчиға нисбатан тўлиқ узиб қўйишгача бўлган чоралар қўришга ҳақли бўлади.

Ҳужжат «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган, тузатишлар 17.10.2018 йилдан кучга кирди.

Хусусий бандлик агентликлари қандай хизматларни кўрсатадилар

16.10.2018 йилдаги «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги ЎРҚ–501-сон Қонун эълон қилинди.

Хусусий бандлик агентлиги — ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги тижорат ташкилоти бўлиб, унинг фаолияти бир қатор хусусиятларга эга:

- а) олий маълумотли раҳбарни қўшиб ҳисоблаганда камида икки нафар ходимга эга бўлади;
- б) давлат органлари, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари ва диний ташкилотлардан ташқари, уни

жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан тузиш имконияти мавжуд;

в) номида «Хусусий бандлик агентлиги» деган сўзлардан фойдаланилади. Белгиланган талабларга жавоб бермайдиган ташкилотлар ўз номида ушбу сўз бирикмасидан ва унинг асосида ҳосил қилинган сўз бирикмасидан фойдаланиши тақиқланган;

Ўзбекистонда иш қидираётган шахсларга иш танлаш	Иш қидираётган шахслар тўғрисидаги ахборотни иш берувчилар ўртасида тарқатиш, ш.ж. ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тарқатиш
	Бўш иш ўринларига эга бўлган иш берувчиларни излаш
	Иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш берувчилар билан музокаралар ўтказиш
	Иш берувчилар ва иш қидираётган шахслар ўртасидаги суҳбатга тайёргарлик кўриш ҳамда музокараларда (суҳбатларда) иштирок этиш
Иш берувчилар учун кадрлар танлаш	Иш берувчиларда мавжуд бўлган бўш иш ўринлари тўғрисидаги ахборотни тарқатиш, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тарқатиш
	Ишга жойлаштириш учун мақбул номзодларни излашни амалга ошириш
	Ишга жойлаштириш учун номзодлар билан музокаралар ўтказиш
	Иш берувчилар ва бўш иш ўринларини эгаллашга номзодлар ўртасидаги музокараларда (суҳбатларда) иштирок этиш
Ўзбекистондан ташқарида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш	Иш берувчилар ва иш қидираётган шахслар ўртасидаги меҳнат шартномалари лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш
	Мамлакатимиздан ташқарида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш масаласи бўйича чет эллик шериклар билан ўз ваколатлари доирасида музокаралар (суҳбатлар) ўтказиш, шартномалар, битимлар ва баённомаларнинг лойиҳаларини тайёрлаш
	Эҳтимол тутилган иш берувчиларни қидириш, хорижий мамлакатларнинг меҳнат бозорини ўрганиш асосида бўш иш ўринлари мавжудлиги тўғрисида мамлакатимиздан ташқарида иш қидираётган шахсларга ахборот тақдим этиш
	Ўзбекистондан ташқарида меҳнат фаолиятини амалга оширишни хоҳлаётган шахслар ҳақидаги ахборотни фақат уларнинг розилиги билан чет эллик иш берувчилар ўртасида тарқатиш
Ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари	Иш қидираётган шахсларга Ўзбекистондан ташқарида меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун дастлабки тайёргарлик тадбирларини ўтказиш йўли билан қўмаклашиш
	Мамлакатимиздан ташқарида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштирадиган мамлакатда бўлиш қондалари, меҳнат шартномалари, ижтимоий ва уй-жой-маиший таъминоти, чет эллик иш берувчилар билан меҳнат шартномаларини тузишнинг ҳуқуқий жиҳатлари ҳақида хабардор қилиш
	Хорижда иш қидираётган шахслар билан иш берувчилар ўртасида меҳнат шартномаларини тузишга қўмаклашиш
	Буюртмачини меҳнат бозори ҳолатининг таҳлили ва прогнози ҳамда унинг иштирокчилари, мазкур бозорнинг конъюнктураси, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳақидаги ахборот билан таъминлаш, шунингдек ишга жойлаштириш соҳасидаги бошқа ахборотни тақдим этиш

г) ўзининг давлат тилидаги тўлиқ фирма номи (бир вақтнинг ўзида бошқа тилда ҳам кўрсатилиши мумкин) ва ўз жойлашган ери кўрсатилган муҳрга эга бўлади. Хусусий бандлик агентликлари — кичик тадбиркорлик субъектларида «думалоқ» муҳр мавжуд бўлмаслиги эҳтимоли Қонунда қайд этилмаган. Фирма муҳри мавжуд бўлиши истисносиз барча хусусий бандлик агентликлари учун мажбурий талаб деган хулоса чиқариш мумкин;

д) фақат муайян хизматлар турини кўрсатиш имконияти мавжуд (қўйидаги жадвалга қараң).

Хусусий бандлик агентлигининг таъсис ҳужжатларида фақат юқорида санаб ўтилган хизмат турларини кўрсатиш бўйича фаолият тўғрисидаги, шунингдек таъсисчиларнинг, бошқарув органларининг тузилмаси ва ваколатлари ҳақидаги маълумотлар (ташқилий-ҳуқуқий шакллар кесимида белгиланган маълумотларга қўшимча равишда) кўрсатилиши керак;

е) Хусусий бандлик агентликларининг реестрига киритилади. Унга кириш учун Меҳнат вазирлигига ариза, лицензия (хорижда иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича фаолиятини амалга оширганда) ва йиғим — 1 ЭКИХ тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхасини тақдим этиш лозим. Ҳужжатлар қўриб чиқилиб, 3 кунлик муддатда улар юзасидан қарор қабул қилинади.

Мамлакатимиздан ташқарида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича фаолият лицензия асосида амалга оширилади. Шун қайд этиш лозимки, Қонунда ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда ишга жойлаштириш бўйича фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомада кўрсатилган лицензия талаблари ва шартлари бир-биридан фарқ қилади.

Масалан, Низома кўра лицензия даъвогари 5 000 ЭКИХ миқдорида шаклланган устав фондига эга бўлиши шарт (Қонунда бундай талаб мавжуд эмас, таҳр.), Қонунга кўра эса унинг ходимлари 3 йилда камида 1 марта малака сертификатли олишга мажбурлар (Низомада бундай талаб қўйилмаган, таҳр.).

Қонун Низома қараганда кўпроқ юридик кучга эга. Бинобарин, энди у қабул қилинган қонун ҳужжатиға мувофиқлаштирилса керак.

Қонун «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган ва 17.10.2018 йилдан кучга кирди.

2-бетда

Ушбу сонда:

3-6-БЕТЛАР

Қонун ҳужжатларида қандай янгиликлар бор?

7-БЕТ

Чет элда бўлганимда паспортимдаги стикер муддати ўтиб кетса

8-БЕТ

Манзил-маълумот ахборотларини тақдим этиш регламенти тасдиқланди

Давлат ва бизнес ўртасидаги шериклик – Молия вазирлиги ҳузуридаги Агентлик билан келишилган ҳолда

Президентнинг 20.10.2018 йилдаги «Давлат-хусусий шерикликини ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори имзоланди.

Молия ва иқтисодиёт вазирликлари ҳамда ССП-нинг таклифига биноан Молия вазирлиги ҳузурида бошқарув ходимларининг чекланган сони 30 нафар бўлган Давлат-хусусий шерикликини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди. Орган Молия вазирлиги ҳузурида фаолият кўрсатади, Агентликка эса лавозими бўйича молия вазирининг ўринбосари ҳисобланадиган директор бошчилик қилади.

Агентлиkning вазифалари:

- иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг устувор йўналишларида давлат-хусусий шериклики (кейинги ўринларда – ДХШ деб юритилади) ривожлантириш бўйича тармоқ дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;
- ДХШ лойиҳаларининг самарадорлиги ва афзалликларини баҳолаш услубини ишлаб чиқиш, ушбу лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга оширишни услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

➢ ДХШ соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишда идоралараро мувофиқлаштиришни таъминлаш, шунингдек, лойиҳалар тўғрисидаги ахборотни очик ҳолда жойлаштириш ва уларнинг реестрини юритиш;

➢ ДХШни ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, шу жумладан, муайян лойиҳалар концепцияларини ишлаб чиқишда вазирлик ва идораларга қўмаклашиш;

➢ ДХШни ривожлантириш масалаларида инвесторлар, халқаро молия ва донор ташкилотлари, илмий ва эксперт ҳамжамиятлари, шунингдек, бозорнинг бошқа иштирокчилари билан ҳамкорликини ташкил этиш;

➢ ДХШ лойиҳалари иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ҳар томонлама қўмаклашиш, лойиҳаларни молиялаштириш

механизмлари, шу жумладан, юзага келиши мумкин бўлган тавakkалчиликларни аниқлаш ва тақсимлаш юзасидан уларнинг таклифларини кўриб чиқиш;

➢ ДХШ лойиҳаларини, шу жумладан, лойиҳаларга жалб қилинган бюджет тизими маблағларидан фойдаланилишини, шунингдек, тегишли тармоқлардаги халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш амалиётини мониторинг қилиш.

Бундан ташқари, Агентлик муҳим ваколатларга эга бўлди. Масалан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, танлов ҳужжатлари, шунингдек, ДХШ тўғрисидаги битимлар лойиҳалари ва уларга киритиладиган ўзгартиришлар Агентлик билан келишилиши лозим. Шунингдек, у ДХШ лойиҳаларининг амалга оширилиши, техник-иқтисодий ҳамда молиявий кўрсаткичлари тўғрисидаги ахборотни уларнинг ташаббускорлари ва иштирокчиларидан сўраб олиш ҳуқуқига эга.

2018 йил 1 декабрда ДХШ соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хатловдан ўтказилади, бирхиллаштирилган ёндашувлар, тартиблар ва уларни амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқиладди, шунингдек «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқиладди. Кейинги йилнинг бошига ўзбекистонда ДХШни ривожлантириш Дастурини тасдиқлаш режалаштирилган.

СТИР қандай расмийлаштирилади

Солиқ тўловчи жисмоний шахсларни давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш, уларга солиқ тўловчининг идентификация рақамини бериш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасдиқланди (ВМнинг 13.10.2018 йилдаги 823-сон қарори).

Хизматдан уч хил йўл билан фойдаланиш мумкин:

- Давлат хизматлари марказлари орқали;
- Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали (порталда рўйхатдан ўтиш талаб этилади);
- Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайти орқали.

Учала ҳолатда ҳам доимий яшаш жойи (ҳудуд ва туман/шаҳар номи), Ф.И.О., туғилган санаси, паспорт серияси ва рақами (фуқаролиги бўлмаган шахслар учун – шахсни тасдиқловчи ҳужжат), жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (паспорт-

да қайд этилади – тахр.), электрон почта манзили ва телефон рақамини кўрсатган ҳолда анкета тўлдирилади. Бундан ташқари, паспорт нусхаси илова қилинади.

Ариза берувчи Давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этганда унинг учун анкетани марказ ходими тўлдиради. Сўнг у қозоғга чиқарилади, анкетадаги маълумотларнинг тўғрилиги ариза берувчининг имзоси билан тасдиқланади, ҳужжатлар марказ ходимининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади ва Давлат солиқ қўмитасига юборилади. Бунга 10 дақиқа кетади.

Сўнг ДСҚ ҳужжатларни олган пайтдан бошлаб 1 соат ичида матрицали штрих-кодли (QR-кодли) солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйилганлиги ҳақидаги гувоҳнома расмийлаштирилади. ДСҚ ходимининг ЭРИ билан тасдиқланган электрон ҳужжат Давлат хизматлари марказига (ариза берувчи ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёхуд бевосита ариза берувчига (ЯИДХП ёхуд ДСҚнинг веб-сайти орқали мурожаат этган тақдирда) юборилади. Давлат хизматлари маркази 10 дақиқа ичида электрон ҳужжатни ариза берувчига юбориши, унинг сўровига кўра уни қозоғга чиқариши ва электрон шаклда тақдим этиши шарт.

Ушбу давлат хизматидан фойдаланиш чоғида ариза берувчи электрон рақамли имзога эга бўлиши талаб этилмайди. Хизматнинг ўзи эса – бепул.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 15.10.2018 йилдан ўзбечистонда ДХШни ривожлантириш Дастурини тасдиқлаш режалаштирилган.

Ижара шартномаси солиқ идорасида қандай ҳисобга қўйилади

Давлат солиқ қўмитасининг қарори (11.10.2018 йилда 3077-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Кўчмас мулк ижара шартномаларини солиқ органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартиби тасдиқланди.

Кейинги йилдан бошлаб кўчмас мулкни ижарага бериш шартномалари нотариал тасдиқланиши керак эмас. Бунинг ўрнига ижарага берувчи шартномани солиқ органларида ҳисобга қўйиши лозим.

Фуқаролик, Уй-жой ва Солиқ кодексларига киритилган тузатишларга кўра (11.10.2018 йилдаги ЎРҚ–497-сон Қонунга қаранг) шартномаларнинг 2 та тури солиқ органларида ҳисобга қўйилиши шарт:

- фуқаролар ўртасида тузилган бино ёки иншоотни ёхуд унинг бир қисmini ижарага бериш шартномаси;
- фуқаролар ўртасида тузилган уй-жойни ижарага бериш шартномаси.

Шуни қайд этиб ўтаемизки, текин фойдаланишга бериш шартномалари нотариал тасдиқланиши лозим, бироқ 1.01.2019 йилдан бошлаб ушбу талаб ҳам бекор қилинади. Бунда улар солиқ идорасида ҳам ҳисобга қўйилмайди.

Шу муносабат билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 159-моддасига тузатиш киритилди. 2019 йил 1 январдан бошлаб ижарага берувчилар ижара шартномасини ҳисобга қўймаганликлари учун жаримага тортилади. Жарима миқдори – ЭКИХнинг 5 бараваридан 10 бараваригача. Кўрсатилган моддада ижара шартномасининг мавжуд эмаслиги учун жавобгарлик ҳам назарда тутилиб, худди шундай санкция белгиланган.

Бу – муҳим! Фуқаролик, Уй-жой ва Солиқ кодексларига киритилган ўзгартиришларга қарамай, қабул қилинган Низомда нафақат жисмоний шахслар ўртасида, балки юридик шахслар иштирокида (ш.ж. юридик шахслар ўртасида) тузилган ижара шартномалари мажбурий ҳисобга қўйилиши назарда тутилган. Лойиҳа босқичида ҳужжат фақат жисмоний шахслар ўртасида тузилган шартномаларга нисбатан татбиқ этилган эди, яқиний версияда ушбу изоҳ олиб ташланган. Ушбу масалага аниқлик киритиш мақсадида солиқ органларига тушунтириш беришни сўраб мурожаат қилдик. Уни олганимиздан сўнг ҳисобга қўйилиши лозим бўлган шартномалар рўйхати хусусида ушбу шарҳга қўшимча киритамиз.

Энди ҳисобга қўйиш тартиб-таомилини кўриб чиқамиз. Илгари ижара шартномаларини солиқ органларида ҳисобга қўйиш тартибини белгилувчи лойиҳа ҚҲТБТ порталида умуммуҳомага қўйилган эди. Уму-

7-бетда

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
1-2, 7-бетлар

• ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни
– «Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаш ва уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўз-

бекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (Кўчирма).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

– «Тадбиркорлик учун шарт-шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:

– «Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек, алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»;

– «Электрон тижоратни амалга ошириш қондаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»

3-6-бетлар

• ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ

– Муаммосиз уйга етиб келиш учун
– Ҳуқуққа эга
– Розилигини тасдиқлайман
– Шартномага кўра
– Аҳвол ўзгармади
– Пропискада турганлик ҳақидаги ахборот – электрон почта орқали
– Паспортлар индексидаги ранжировка бўйича

7-8-бетлар



РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

— «Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаш ва уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (Кўчирма).

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

— «Тадбиркорлик учун шарт-шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНING ҚАРОРЛАРИ:

— «Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек, алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»;

— «Электрон тижоратни амалга ошириш қондаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ЖИҲАТДАН ҲИМОЯ ҚИЛИНИШINI ТАЪМИНЛАШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА*

(Кўчирма)**

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 30 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 27 сентябрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги 938-XII-сонли Қонунининг 65-моддасига қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:
«Пенсионер Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг пенсиядан ортқича тўланган суммаларни ушлаб қолиш тўғрисидаги қароридан норози бўлган тақдирда, аниқланган қарздорлик суд тартибда, бироқ унинг аниқланиш санасидан уч йилдан кўп бўлмаган давр учун ундирилади»;

иккинчи—бешинчи қисмлари тегишинча учинчи—олтинчи қисмлар деб ҳисоблансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган 713-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси 134-моддасига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

учинчи қисм қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат ва хусусий уй-жой фондларида кўрсатиладиган коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар тўлаш ўтган ойдан кейинги ойнинг ўнчундан кечиктирмай ҳар ойда амалга оширилиши керак, бундан сув таъминоти ва сувни чиқариб юбориш (канализация) хизматлари мустасно»;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Давлат ва хусусий уй-жой фондларида кўрсатиладиган

сув таъминоти ва сувни чиқариб юбориш (канализация) хизматлари учун мажбурий тўловлар олдиндан 100 фоизлик ҳақ тўлаш асосида амалга оширилиши керак»;

тўртинчи—олтинчи қисмлар тегишинча бешинчи—еттинчи қисмлар деб ҳисоблансин;

олтинчи қисмдаги «тўртинчи» деган сўз «бешинчи» деган сўз билан алмаштирилсин;

еттинчи қисм қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат ва хусусий уй-жой фондларидаги жойларнинг мулкдорларига, ижарага, арендага олувчиларига коммунал хизматлар кўрсатиш мажбурий тўловлар уч ойдан ортқ тўланмаган тақдирда тўхтатиб турилади, бундан сув таъминоти ва сувни чиқариб юбориш (канализация) хизматлари, шунингдек электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш мустасно»;

қуйидаги мазмундаги саккизинчи ва тўққизинчи қисмлар билан тўлдирилсин:

«Давлат ва хусусий уй-жой фондларидаги жойларнинг мулкдорларига, ижарага, арендага олувчиларига сув таъминоти ва сувни чиқариб юбориш (канализация) хизматлари учун олдиндан 100 фоизлик ҳақ тўлаш амалга оширилмаган тақдирда, сув таъминоти ва сувни чиқариб юбориш (канализация) тизимларидан тўлиқ узиб қўйишгача бўлган чоралар кўрилади.

Давлат ва хусусий уй-жой фондларидаги жойларнинг мулкдорларига, ижарага, арендага олувчиларига электр энергияси

*Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 17.10.2018 йилдаги 215 (7173)-сониде эълон қилинган.

**Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТда ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

ва табиий газ етказиб берганлик учун ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган муддатда мажбурий тўловлар тўланмаган тақдирда, электр ва газ тақсимлаш тармоқларидан тўлиқ узиб қўйишга бўлган чоралар қўрилади».

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта куриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирида.

*Ўзбекистон Республикасининг Президенти
Ш.МИРЗИЕЕВ.*

Тошкент ш.,
2018 йил 16 октябрь
ЎРҚ-500-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

**ТАДБИРКОРЛИК УЧУН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШГА ОИД ҚЎШИМЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА***

Тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни шакллантириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш, тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз ишлаб чиқаришини мунтазам модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, уни юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берадиган илгор замонавий ускуналар билан таъминлашга қаратилган самарали рағбатлантириш тизимини яратиш мақсадида:

1. 2020 йилнинг 1 январига қадар ташкилий-ҳуқуқий шаклдан қатъи назар тадбиркорлик субъектлари томонидан 1-иловага мувофиқ олиб кириладиган айрим турдаги товарлар боғжона тўловларидан (боғжона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида» 2017 йил 18 январдаги ПҚ-2731-сон қарорининг 4-бандига 2-иловага мувофиқ ўзгартариш киритилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЕЕВ.*

Тошкент ш.,
2018 йил 15 октябрь
ПҚ-3970-сон.

*ЎзР Президентининг
2018 йил 15 октябрдаги ПҚ-3970-сон қарорига
1-ИЛОВА*

**БОҒЖОНА ТЎЛОВЛАРИДАН (БОҒЖОНА РАСМИЙЛАШТИРУВИ ЙИҒИМЛАРИДАН ТАШҚАРИ)
ОЗОД ЭТИЛАДИГАН АЙРИМ ТУРДАГИ ТОВАРЛАР РЎЙХАТИ**

Т/р	Товарлар номи	ТИФ ТР коди
1	туяқушлар	0106 33 001 0, 0106 33 009 0
2	бирламчи шаклдаги этилен полимерлари	3901

*ЎзР Президентининг
2018 йил 15 октябрдаги ПҚ-3970-сон қарорига
2-ИЛОВА*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
«2017–2021 ЙИЛЛАРДА ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА» 2017 ЙИЛ 18 ЯНВАРДАГИ ПҚ-2731-СОН ҚАРОРИНИНГ
4-БАНДИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР**

4-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«4. Қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ, Шуманай, Қонлиқўл, Тахтақўпир, Чимбой туманларида, Хоразм вилоятининг Янгиерик ва Қўшқўпир туманларида жойлашган саноат соҳасида (автомобилларга газ тўлдирувчи компрессор станцияларидан ташқари) янги ташкил этилаётган микрофир-

малар ва кичик корхоналар – 2027 йилнинг 1 январига қадар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг қолган туманларида – 2022 йилнинг 1 январига қадар муддатга ягона солиқ тўловидан;

Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ, Шуманай, Қонлиқўл, Тахтақўпир, Чимбой ва Кегейли туманларида жойлашган тадбиркорлик субъектлари Ўзбекистон Респуб-

* Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 16.10.2018 йилдан кучга кирди.

ликасида ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган ва фақатгина ушбу туманларда фойдаланиладиган махсус техника, асбоб-ускуна, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, қурилиш материаллари, металл конструкциялар учун 2020 йилнинг 1 январига қадар божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда ушбу қарор доирасида

божхона тўловлари бўйича имтиёз қўлланилган ҳолда олиб кириладиган товарлардан мақсадли фойдаланилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин.

Белгилансинки, юқорида кўрсатиб ўтилган товарлардан мақсадли фойдаланилмаган тақдирда (сотилиш, бепул бериб юбориш ёки ўзгага беришнинг бошқа шакли), божхона имтиёзлари берилиши муносабати билан тўланмаган божхона тўловлари суммаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган молиявий санкциялар қўлланилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундирилади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**АЛИМЕНТЛАРНИ ОЛДИНДАН ТЎЛАШ, ШУНИНГДЕК,
АЛИМЕНТ ТЎЛАШ МАЖБУРИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА
ГАРОВ ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ
ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА***

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 145-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунининг 42¹-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек, алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби тўғрисидаги низоми иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Т.К.Нарбаева зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир
А.АРИПОВ.

Тошкент ш.,
2018 йил 6 октябр
808-сон.

ЎЗР ВМнинг 2018 йил 6 октябрдаги 808-сон қарорига
ИЛОВА

**АЛИМЕНТЛАРНИ ОЛДИНДАН ТЎЛАШ, ШУНИНГДЕК АЛИМЕНТ ТЎЛАШ МАЖБУРИЯТИНИ
ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ГАРОВ ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ**

1-БОБ. УМУМЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низоми вояга етмаган болалар таъминоти учун алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек вояга етмаган болалар, эр (хотин), собиқ хотин (собиқ эр) ва бошқа меҳнатга лаёқатсиз шахслар таъминоти учун алимент тўлаш мажбуриятини таъминлашда гаров шартномасини тузиш тартибини белгилайди.

2. Давлат ижрочилири иш юритувида бўлмаган ижро ҳужжатлари бўйича алимент тўловларини ихтиёрий равишда тўлаётган жисмоний шахслар муайян давр учун алиментни олдиндан тўлаш ёки алимент олувчи билан келишилган ҳолда алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузишга ҳақли.

3. Давлат ижрочеси иш юритувида бўлган ижро ҳужжатлари бўйича алиментларни олдиндан тўлаш ёки алимент тўлаш мажбуриятини таъминлашда гаров тақдим этиш учун қарорларни ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш фуқаролик процессуал қонунчилигида белгиланган тартиб ва муддатларда амалга оширилади.

4. Давлат ижрочеси иш юритувида бўлган ижро ҳужжати

бўйича қарздор томонидан ундирувчи алиментларни олдиндан тўлаш ҳисобига қўчмас ёки қўчар мулк ёхуд бошқа қимматли ашё тақдим этилиши мумкин.

5. Алиментлар суммасини олдиндан тўлаш ёки алиментлар тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров тақдим этиш фақат қарздорнинг алимент тўловларидан қарздорлиги мавжуд бўлмаганда амалга оширилади.

6. Алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасининг тузилиши алиментларни тўламаганлик учун қонун билан белгиланган маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод қилмайди.

7. Алиментларни олдиндан тўлаш ойлик иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадга нисбатан улушлар ҳисобида белгиланган бўлса, олдиндан тўланган алиментлар учун кейинги даврларда алимент тўловчининг ойлик иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромади қўлайиши натижасида вужудга келадиган қўшимча алимент тўловларини тўлашдан озод қилмайди.

8. Алиментларни олдиндан тўлаш ёки алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш учун гаров шартномасининг тузилиши давлат ижрочеси ёки суд томонидан қарздор жисмоний

* Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 6.10.2018 йилдан кучга кирди.

шахсининг илгари белгиланган Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашни олиб ташлаш учун асос ҳисобланади.

2-БОБ. АЛИМЕНТЛАРНИ ОЛДИНДАН ТЎЛАШ ТАРТИБИ

9. Алиментларни олдиндан тўлаш бола вояга етгунига қадар ҳар қандай давр учун, бироқ ушбу банднинг иккинчи хатбошида назарда тутилган ҳолларни истисно қилганда беш йилдан кам бўлмаган муддатга амалга оширилади.

Алиментларни олдиндан тўлаш вақтида агар болалар вояга етгунига қадар бўлган давр 5 йилдан кам бўлса, алиментларни олдиндан тўлаш қолган давр учун амалга оширилади.

Суд ажримига асосан олдиндан тўланиши шарт бўлган алиментларнинг тўлиқ миқдорини тўлаш, шунингдек, алиментларни олдиндан тўлаш ҳисобига ундирувчига топширилиши шарт бўлган мол-мулкни топшириш ун иш қўндан ошмаган муддатга амалга оширилади.

10. Алиментларни тўлаш тўғрисидаги ижро ҳужжати (кейинги ўринларда ижро ҳужжати деб аталади) бўйича алиментларни муайян давр учун олдиндан тўлаш йўли билан ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш масаласида, қарздор ижро ҳужжатини берган судга ижро ҳужжатини ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилади.

Алиментларни ундириш алиментлар тўлаш тўғрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувга асосан бўлса, ариза ижро ҳужжати иш юритуви Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда Бюро деб аталади) туман (шаҳар) бўлими жойлашган ҳудуддаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судига берилади.

11. Ижро ҳужжатини ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги аризада, қарздор алимент мажбуриятларини умумий тартибда бажариш учун тўқсинлик қилувчи объектив ҳолатларни кўрсатади (бошқа мамлакатга ташриф буюриш тўғрисида тақлифнома, бошқа мамлакатда ишга тайинланганлиги тўғрисидаги буйруқ ва ҳ.к.).

Аризага Бюронинг туман (шаҳар) бўлими томонидан берилган алимент тўловларидан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотнома, шунингдек, давлат ижрочисининг олдиндан тўлаш белгиланган алиментлар суммасини ҳисоблаш тўғрисидаги қарори илова қилиниши шарт.

Зарурат бўлганда, аризага алимент мажбуриятларини умумий тартибда бажариш учун тўқсинлик қилувчи объектив ҳолатлар тўғрисидаги ҳужжатлар илова қилинади.

Ушбу Низомнинг 4-бандида назарда тутилган ҳолларда, аризага қўшимча равишда баҳолаш таъшилотининг алиментлар олдиндан тўлаш ҳисобига ундирувчига ўтказиб берилиши лозим бўлган мол-мулкни баҳолаш хулосаси, шунингдек

қарздорнинг мазкур мол-мулкка эгаллик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари илова қилинади.

12. Алимент тўловларидан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотнома ва давлат ижрочисининг олдиндан тўланадиган алимент суммасини ҳисоб-китоб қилиш тўғрисидаги қарори, қарздорнинг ижро иш юритишини амалга ошираётган Бюронинг туман (шаҳар) бўлимига киритган аризасига (шу жумладан, электрон почта орқали киритган аризасига) асосан берилади.

Аризада қарздор томонидан алиментларни олдиндан тўламоқчи бўлган даври кўрсатилади. Аризага аввалги даврлар учун тўланган (ушлаб қолingan) алимент суммалари, шунингдек, ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадлари, шу жумладан чет элда оlingан даромадларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

13. Қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотнома ва давлат ижрочисининг олдиндан тўлаш белгиланган алиментлар миқдорини ҳисоблаш тўғрисидаги қарорини бериш тўғрисидаги ариза етти иш кўни давомида қўриб чиқилади. Ҳужжатларни қўшимча ўрганиш талаб этилганда ариза ўн беш иш кўни ичида қўриб чиқиши мумкин.

Қарздор томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ҳаққонийлигига шубҳа туғилганда ва уларни бошқа таъшилотларга сўровнома юбориш орқали текшириш зарур бўлганда, аризани қўриб чиқиш муддати бир ой муддатга узайтирилиши мумкин. Аризани қўриб чиқиш муддатини узайтириш Бюронинг туман (шаҳар) бўлими бошлиғи томонидан аризани қўриб чиқаётган давлат ижрочисининг асосантирилган билдирисига асосан амалга оширилади. Аризани қўриб чиқиш муддати узайтирилганлиги тўғрисида аризачи хабардор қилинади.

14. Олдиндан тўлаш белгиланган алиментлар миқдорини ҳисоблаш тўғрисидаги қарор ижро ҳужжати юритувида бўлган давлат ижрочиси томонидан «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 86-моддасига мувофиқ қабул қилинади.

Бунда, олдиндан тўлаш белгиланган алиментлар суммасини ҳисоблаш ушбу Низомнинг 15–18-бандларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

Олдиндан тўлаш белгиланган алиментлар суммасини ҳисоблаш тўғрисидаги қарор чиқарилган кўндан бошлаб бир ой муддат давомида амал қилади, бу ҳақда қарорда кўрсатилади.

15. Олдиндан тўлаш белгиланган алиментлар суммасини ҳисоблашда, келгуси даврлар учун тўланадиган алиментлар суммасига, тўлов вақтидаги ҳар йилги алиментлар суммасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаш ставкасига капитализация коэффициенти қўлланилади.

Реклама



«СОЛИҚЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1.

Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

Бунда, олдиндан тўлаш белгиланган алиментлар суммаси-ни ҳисоблаш, қуйидаги формула бўйича белгиланади:

$$S = [12 \times A \times \frac{k^0 - 1}{k - 1}] - [(MF - 1) \times A] - [(12 - ML) \times k^0 \times A]$$

S – олдиндан тўлаш белгиланган алиментлар суммаси;
 A – ушбу Низом 16-бандида белгиланадиган тартибга мувофиқ алиментлар тўловининг ҳар ойлик миқдори;

k – ушбу Низомнинг 17-бандига мувофиқ белгиланадиган коэффицент;

MF – алиментларни олдиндан тўлаш даврининг биринчи оyi (масалан, январь – 1, февраль – 2, март – 3 ва ҳ.к.);

ML – алиментларни олдиндан тўлаш даврининг охириги оyi (масалан, январь – 1, февраль – 2, март – 3 ва ҳ.к.);

g – мазкур Низомнинг 18-бандига мувофиқ белгиланадиган алиментларни олдиндан тўлаш даврининг йиллар сони.

Бюро томонидан расмий веб-сайт орқали олдиндан тўланадиган алиментлар миқдорини ҳисоблаш имконини берувчи интерактив давлат хизматлари кўрсатилади (махсус калькулятор).

16. Ҳар ойлик алиментлар суммасини ҳисоблаш қуйидаги тартибда белгиланади:

а) агар ижро ҳужжатида алимент пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланган бўлса – ижро ҳужжатида кўрсатилган сумма ҳар ойлик алиментлар суммаси сифатида белгиланади;

б) агар ижро ҳужжатида алиментлар қарздорнинг ойлик иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадига нисбатан улушлар ҳисобида белгиланган бўлса – ойлик алимент суммаси қарздорнинг охириги ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромади улушидан, бироқ ҳисоблаш вақтида Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан кам бўлмаган миқдорда ҳисоблаб чиқилади. Бунда, қарздор ишсиз бўлса ёки ойлик иш ҳақи ва бошқа даромади тўғрисидаги маълумотлар тақдим қилинмаган тақдирда, тегишли улуш ҳисоблаш вақтида Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланади.

Ҳар ойлик алиментлар суммасини ҳисоблашда, алиментлар суммаси ҳар бир бола учун алиментни ҳисоблаш вақтида қонунчиликда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

17. Олдиндан тўлаш белгиланган алиментлар суммасини ҳисоблашда қўлланадиган коэффицент ҳисоблаш вақтидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаш ставкасини инобатга олган ҳолда қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$k = 1 + \frac{st}{100}, \text{ бунда:}$$

st – Ўзбекистон Республикаси Марказий банк томонидан белгиланган қайта молиялаш ставкаси.

18. Алиментларни олдиндан тўлашда йиллар сони, алиментларнинг олдиндан тўланадиган охириги оyi белгиланган йилдан олдиндан тўланадиган биринчи оyi белгиланган йилни айлариш орқали аниқланади (масалан, алиментларни олдиндан тўлаш муддати 2018 йил ноябрь ойдан 2025 йил январь ойига қадар бўлса, йиллар сони 2025 – 2018 = 7 тарзидаги формула асосида амалга оширилади).

19. Давлат ижросининг олдиндан тўлаш белгиланган алиментлар суммасини ҳисоблаш тўғрисидаги қарори ва алимент бўйича қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисидаги

маълумотномани олганидан сўнг, қарздор судга ижро ҳужжатини ижро этиш усули ва тартибини алиментларни олдиндан тўлашга ўзгартириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилади.

20. Қарздорнинг ижро ҳужжатини ижро этиш усули ва тартибини алиментларни олдиндан тўлашга ўзгартириш тўғрисидаги аризаси суд томонидан қарорларни ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш бўйича фуқаролик процессуал қонунчиликда белгиланган тартибда қўриб чиқилади.

21. Ижро ҳужжатини ижро этиш усули ва тартибини алиментларни олдиндан тўлашга ўзгартириш тўғрисидаги аризани қаноатлантиришни рад этиш асослари:

а) ушбу Низомнинг 11-бандида белгиланган, аризага ило-ва қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар мавжуд эмаслиги ёки уларнинг ушбу Низом талабларига мувофиқ эмаслиги;

б) ушбу Низомнинг 14-банди учинчи хатбошида назарда тутилган алиментларни олдиндан тўлаш белгиланган алимент суммаси тўловининг амал қилиш муддати ўтиб кетганлиги;

в) алиментлар бўйича тўланмаган қарздорликнинг мавжудлиги;

г) алиментларни олдиндан тўлаш вояга етмаган болаларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари жиддий бузилишига ёхуд таъминот шароити ёмонлашувига оид келиши мумкин деб ҳисоблаш учун асослар мавжудлиги;

д) алиментларни умумий тартибда тўлашга тўсқинлик қиладиган объектив ҳолатларнинг мавжуд эмаслиги;

е) қарздор алиментларни олдиндан тўлаш имкониятидан, алимент мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаш ёки умумий тартибда тўлашни лозим бўлган алимент суммасини кам тўлаш мақсадида фойдаланган деб ҳисоблаш учун асосларнинг мавжудлиги;

ж) қонунчиликда белгиланган бошқа асослар мавжудлиги.

22. Аризани қўриб чиқиш яқунлари бўйича алиментларни олдиндан тўлаш йўли билан ижро ҳужжатини ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги аризани рад этиш ёки қаноатлантириш тўғрисида ажрим қабул қилинади.

Алиментларни олдиндан тўлаш йўли билан ижро ҳужжати-ни ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги ажримда қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

олдиндан тўланадиган алимент суммаси;
олдиндан тўланадиган алиментлар даври, ушбу даврнинг бошланиш ва яқунланиши оyi ва йили;

алиментлар суммаси бўйича тўланиши лозим бўлган муддат.

Агар қарздор ўз аризасида алиментларни олдиндан тўлаш ҳисобида ундирувчи мол-мулк бериш орқали ижро ҳужжати-ни ижро этиш усули ва тартибини ўзгартиришни сўраган бўлса, ажримда шунингдек қуйидагилар кўрсатилади:

мол-мулкнинг номи, жойлашган жойи, қиймати ва мазкур мол-мулкни аниқлаш имконини берадиган бошқа маълумотлар;

мол-мулкни ундирувчига ўтказиб берилиши лозим бўлган муддат.

23. Давлат ижросини ижро иши юритишида бўлган ижро ҳужжати бўйича қабул қилинган ажримга, ижро ҳужжати бериш талаб этилмайди.

24. Давлат ижросини алиментларни муайян давр учун олдиндан тўлаш йўли билан ижро ҳужжатини ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги ажримни қабул қилиб олганда, шунингдек, мазкур ажримда кўрсатилган алиментлар суммаси тўлиқ тўлангандан сўнг, қарздор ва унинг мол-мулкига белгиланган барча чекловларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашни бекор қилади.

Алиментларни олдиндан тўлаш учун ундирувчиға муайян мол-мулкни ўтказиб бериш йўли билан қўйилган чекловларни бекор қилиш фақат мол-мулкни топшириш ва қабул қилиш далолатномасига асосан, шунингдек:

қўчмас мулкни ўтказишда – мулкка бўлган эгаллик ҳуқуқи ундирувчи номига давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхасига;

автотранспорт воситаси ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши (ҳисобга туриши) лозим бўлган бошқа мулкларни ўтказишда – автотранспорт воситаси ёки бошқа мулкни ундирувчи номига давлат рўйхатидан ўтганлиги (ҳисобга турганлиги) тўғрисидаги ҳужжат нусхасига;

қимматли қўғозлар ўтказишда – қимматли қўғозлар ундирувчи номига рўйхатдан (ҳисобига) ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжатга асосан амалга оширилади.

Агар қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш суд ҳужжатиға асосан қўйилган бўлса, чеклашни бекор қилиш суд томонидан амалга оширилади.

25. Алиментларни олдиндан тўлаш болалар вояга етгунга қадар амалга оширилган тақдирда, мазкур ижро ҳужжати бўйича ижро ишини юритиш тамомланмайди.

Мазкур ҳолатда алиментлар олдиндан тўланган давр мобайнида ижро ҳужжати бўйича мажбурий ижро ҳаракатлари амалга оширилмайди.

Алиментлар олдиндан тўланган давр якунланганда, шунингдек, суднинг ижро ҳужжатини ижро этиш усули ва тартиби бекор бўлганда мажбурий ижро чоралари умумий тартибда амалга оширилади.

Агар олдиндан тўланиши лозим бўлган алиментлар суммаси суднинг ижро ҳужжатини ижро этиш усули ва тартиби ўзгартириш тўғрисидаги акримда кўрсатилган муддатда тўлиқ тўланмаган тақдирда мажбурий ижро чоралари умумий тартибда амалга оширилади.

26. Агар қарздорнинг иш ҳақи ёки бошқа даромади олдиндан тўланган алиментлар суммасига нисбатан кўпроқ миқдорда тўлаш имконини берса, ундирувчи алиментлар олдиндан тўланган давр якунлангунга қадар қарздор учун алимент мажбуриятларининг умумий тартибини белгилаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Мазкур ариза суд томонидан суд қарорларини ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш бўйича белгиланган тартибда қўриб чиқилади.

Алимент мажбуриятларини умумий тартибда белгилаш тўғрисидаги ариза қаноатлантирилганда, олдиндан тўланган алимент тўловлари қайтарилмайди, умумий тартибда тўланиши лозим бўлган алимент ҳисобига ўтказилади. Бунда давлат ижрочиси томонидан мажбурий ижро чоралари умумий тартибда қўлланилади.

3-БОБ. АЛИМЕНТЛАРНИ ТЎЛАШ МАЖБУРИЯТИНИ ГАРОВ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТАРТИБИ

27. Алиментларни тўлаш мажбуриятини гаров билан таъминлаш йўли билан ижро ҳужжатини ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги ариза қарздор томонидан ижро ҳужжатини берган судга тақдим қилинади.

Агар алимент ундирувчи нотариал тасдиқланган келишув бўйича амалга оширилган бўлса, ариза ижро иш юритишни амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг туман (шаҳар) бўлими жойлашган ҳудуддаги фуқаролик ишлари бўйича туман (шаҳар) судига берилади.

28. Ижро ҳужжатини ижро этиш усули ва тартибини ўзгарти-

риш тўғрисидаги аризада қарздор алимент мажбуриятларини умумий тартибда бажариш учун тўққинлик қиладиган объектив ҳолатларни кўрсатади (бошқа мамлакатта таъриф буюриш тўғрисида тақлифнома, бошқа мамлакатда ишга тайинланганлиги тўғрисидаги буйруқ ва ҳ.к.).

Аризага мазкур Низом талабларига риоя қилган ҳолда тузилган гаров шартномаси, шунингдек, Бюро томонидан алимент тўловларидан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотнома илова қилиниши шарт.

Зарурут бўлганда, аризага қарздор алимент мажбуриятларини умумий тартибда бажариши учун тўққинлик қиладиган объектив ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

29. Гаров шартномаси қарздор ва ундирувчи ўртасида алимент тўлаш мажбуриятини гаров билан таъминлаш ва алимент мажбуриятлари икки ойдан ортиқ муддат давомида бажарилмаган тақдирда ундирувчиға ундирувчи гаров предметиға қаратиш ҳуқуқини бериш учун тузилади.

Бунда, гаров шартномасида қарздорнинг (гаровга қўйувчининг) амалга оширган алимент тўловлари бўйича тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда ҳар ойда давлат ижрочисини хабардор қилиш мажбурияти кўрсатилиши шарт.

Гаров шартномаси ўшбу Низомдаги иловлада** келтирилган намунавий шаклга мувофиқ тузилади.

30. Ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан ашёлар ва мулк-ий ҳуқуқлар (талаблар) гаров предмети бўлиши мумкин, муомаладан чиқарилган мол-мулк, кредиторнинг шахси билан узвий боғлиқ бўлган талаблар, хусусан, ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблар, алиментлар тўғрисидаги талаблар ҳамда бошқа шахсга берилиши қонун билан ман этилган бошқа талаблар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунининг 52-моддасига асосан ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган мол-мулк гаров предмети бўла олмайд.

31. Алимент тўлаш мажбуриятини гаров билан таъминлаш тўғрисидаги гаров шартномаси нотариал тартибда тасдиқланади.

Гаров ҳуқуқи шартнома нотариал тасдиқланган пайтдан бошлаб, мажбурий рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлса – рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Агар гаров предмети қонун бўйича ёки шартномаға мувофиқ гаровга қўйувчида сақланиши лозим бўлса, гаров ҳуқуқи гаров предмети топширилган пайтда вужудга келади, агар топшириш шартнома тузилган олдин амалга оширилган бўлса – нотариал тасдиқланган (рўйхатдан ўтказилган) пайтдан бошлаб вужудга келади.

32. Алимент тўлаш мажбуриятини гаров билан таъминлашда гаров қиймати қонунчиликда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз эллик бараваридан кам бўлмаслиги лозим.

Гаров предмети қиймати тарафлар келишувига биноан аниқланади.

Тарафлар келишувига асосан гаров предмети қийматини баҳолаш тегишли баҳолаш ташкилоти томонидан амалга оширилиши мумкин.

33. Алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш учун гаровга қўйилган мол-мулкнинг, қайта гаровга қўйилишиға йўл қўйилмайди, мазкур масала гаров шартномасида акс эттирилади.

34. Алимент тўловларидан қарздорлик мавжуд эмаслиги

**Ўшбу Низомға илова берилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТда ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

тўғрисидаги маълумотномани олиш учун қарздор ижро иши юритишни амалга ошираётган Бюронинг туман (шаҳар) бўлимига ариза билан (шу жумладан, электрон почта орқали) мурожаат қилади.

Аризага аввалги даврлар учун тўланган (ушлаб қолingan) алимент миқдорлари, шунингдек, ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларни, шу жумладан чет элда оlingan даромадларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

35. Қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномани бериш тўғрисидаги ариза мазкур Низомнинг 13-бандида белгиланган муддатларда кўриб чиқилади.

36. Қарздорнинг ижро ҳужжатида ижро этиш усули ва тартибини алимент тўлаш мажбуриятини гаров билан таъминлашга ўзгартириш тўғрисидаги аризаси суд томонидан қарорларни ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш бўйича фуқаролик процессуал қонунчилигида белгиланган тартибда кўриб чиқади.

37. Ижро ҳужжатида ижро этиш усули ва тартибини алимент тўлаш мажбуриятини гаров билан таъминлашга ўзгартириш тўғрисидаги аризани қаноатлантиришни рад этиш асослари қуйидагилар ҳисобланади:

а) мазкур Низомнинг 28-бандидаги аризага илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатларнинг йўқлиги ёки уларнинг мазкур Низом талабларига мувофиқ эмаслиги;

б) алимент тўловлари бўйича тўланмаган қарздорликнинг мавжудлиги;

в) алимент тўлаш мажбуриятини гаров билан таъминлаш вояга етмаган болалар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари жиддий бузилишига ёхуд уларнинг таъминот шaroитлари ёмонлашувига олиб келиши мумкин деб ҳисоблаш учун асосларнинг мавжудлиги;

г) умумий тартибда алимент тўлашга тўсқинлик қиладиган объектив ҳолатларнинг мавжуд эмаслиги;

д) қарздор алимент тўлаш мажбуриятини гаров билан таъминлаш имкониятидан алимент мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаш ёки умумий тартибда тўланиши лозим бўлган алимент суммасини кам тўлаш мақсадида фойдаланаяпти деб ҳисоблаш учун асослар мавжудлиги;

е) қонунчиликда белгиланган бошқа асосларнинг мавжудлиги.

38. Алимент тўлаш мажбуриятини гаров билан таъминлаш бўйича ижро ҳужжатида ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш яқунлари юзасидан уни рад этиш ёки қаноатлантириш тўғрисида ажрим қабул қилинади.

Алимент тўлаш мажбуриятини гаров билан таъминлаш бўйича ижро ҳужжатида ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги ажримда қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

алимент тўлаш мажбуриятини гаров билан таъминлашга рухсат бериш, шунингдек алимент мажбуриятлари икки ойдан ортиқ муддат давомида бажарилмаган тақдирда гаров предметиға қаратиш талаби;

гаров тариқасида топширилаётган мол-мулкнинг номи, алоҳида хусусиятлари, сони ва қиймати, жойлашган жойи;

гаров шартномасида қарздорнинг амалга оширилган алимент тўловлари бўйича тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда ҳар ойда давлат ижрочисини хабардор қилиш мажбурияти;

алимент мажбуриятларини бажаришнинг бошқа шартлари.

39. Давлат ижрочисини ижро иши юритишида бўлган ижро ҳужжати бўйича қабул қилинган ажримга ижро ҳужжати бериш талаб этилмайди.

40. Давлат ижрочисини ижро ҳужжати ижроси усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги ажримни олгандан сўнг, қарздорга нисбатан қўлланилган барча чекловларни, шу жумладан қарздорнинг Ўзбекистон Республикасида чиқишини вақтинча чеклашни бекор қилади.

41. Ижро ҳужжати ижроси усули ва тартибини алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров билан ўзгартириш тўғрисидаги суднинг ажримига асосан қарздорга алимент тўловларини ихтиёрий тўлаш имконияти берилиб, мажбурий ижро чоралари қўлланилмайди.

42. Қарздор томонидан кетма-кет икки ой давомида алимент тўловлари тўланмаган тақдирда, давлат ижрочисини ундирувчи гаров предметиға қаратиш чораларини кўради. Шунингдек, алимент тўловларини тўлиқ тўламаслик ҳам тўланмаган алимент ҳисобланади.

Гаров предметиға сотувга чиқаришнинг бошланғич баҳоси ижро ҳужжати ижро усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги суднинг ажримда кўрсатилган қиймат билан белгиланади.

43. Суднинг ижро ҳужжатида ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги ажрим бекор қилинган тақдирда кейинги мажбурий ижро чоралари умумий тартибда амалга оширилади.

Бунда гаров шартномаси тарафлар келишуви ёки қонунчиликда белгиланган асосларга кўра суд қарорига асосан тугатилади.

44. Ундирувчи гаров предметиға қаратиш натижасида келиб тушган маблағлар, Бюронинг тегишли туман (шаҳар) бўлими депозит ҳисобрақамиға ўтказилади, мазкур маблағ ҳисобидан ойма-ой алимент тўловлари амалга оширилади.

Фарзандлар вояга еттуниға қадар тўланган алимент тўловларидан ортган қисми қарздорга қайтарилади.

45. Гаров предмети сотилмаганда ва гаровга олувчи қарз ҳисобига гаров предметиға ўзига олишни рад этганда гаров шартномаси тугатилади.

Бунда давлат ижрочисини алимент бўйича қарздорлиқни қарздорга тегишли бошқа мол-мулк ҳисобидан ундириш чораларини кўради.

4-БОБ. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДА

46. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

Реклама



«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек ишлагич қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўча, 1/Б.
Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@orma.uz, web: www.orma.uz

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҚОИДАЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3724-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 июндаги 185-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 6-сон, 46-модда) билан тасдиқланган Электрон тижоратни амалга ошириш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазир Ш.М.Садиқов зиммасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Электрон ҳукумат, телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир
А.АРИПОВ.

Тошкент ш.,
2018 йил 13 октябрь
825-сон.

ЎзР ВМнинг 2018 йил 13 октябрдаги 825-сон қарорига
ИЛОВА

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҚОИДАЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. 47-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«товарларни етказиб бериш бўйича хизматлар кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган етказиб бериш хизмати хизматларидан фойдаланиш.»

2. 48-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«48. Электрон тижоратда тўловлар қуйидаги усулларда амалга оширилади:

нақд пул билан – назорат-касса аппаратида фойдаланиш орқали нақд пул маблағлари қабул қилинган тўғрисида назорат-касса аппарати чеки ёки бошқа тасдиқловчи ҳужжатни мажбуран тақдим этиш, шунингдек, белгиланган тартибда инкассация қоидаларига риоя этган ҳолда, олинган пуллари хизмат кўрсатувчи банкка топширишни таъминлаш;

электрон тўлов воситалари билан – тўловларни қабул қилиш учун ҳисоб терминали ёки виртуал терминал (E-POS) орқали шахсий ва корпоратив банк карталаридан фойдаланиш орқали чакана тўлов тизимида сотувчи ва харидорга электрон тўлов чеки ёки тўловни тасдиқловчи бошқа ҳужжатни албатта тақдим этган ҳолда;

пул маблағларини банк ҳисобрақамларидан ўтказиш йўли билан – пул маблағларини банк ҳисобрақамларидан (шу жумладан карта ҳисобрақамларидан) шахсий кабинет (ма-софавий банк ҳисобрақамларидан хизмат кўрсатиш тизими) ёки чакана тўлов тизими орқали ўтказган ҳолда».

3. Қуйидаги мазмундаги 48¹–48³-бандлар билан тўлдирилсин:

«48¹. Электрон тўлов воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни амалга ошираётганда харидорга касса чекини электрон шаклда (бундан кейин электрон чек) харидор кўрсатган абонент рақамига ёки электрон почта манзилига тақдим этишни таъминлаш зарур. Электрон чек назорат касса аппарати машинасида чиқарилган қоғоз кўринишидаги чекка тенглаштирилади.

48². Етказиб бериш хизматларига сотувчининг номидан товарлар учун тўловларни қабул қилиш ҳуқуқи шартномага асосан харидор товарни сотиб олганлигини тасдиқловчи касса чеки ёки бошқа ҳужжатни тақдим этган ҳолда берилади.

48³. Товарлар миллий почта алоқаси оператори орқали етказиб берилган тақдирда товарнинг тўлови почта пул ўтказмалари устама тўлов орқали амалга оширилиши мумкин. Ушбу тўлов усулида товарни жўнатиш устама тўловли почта жўнатмалари орқали амалга оширилиши керак.

Почта жўнатмалари орқали етказиладиган ва устама тўлов қўлланилган товар харидор томонидан устама тўлов тўлиқ тўланиб, квитанция тақдим этилгандан сўнг берилади. Устама тўлов суммаларини сотувчи манзилига жўнатиш миллий почта алоқаси оператори томонидан пул маблағларини почта орқали ўтказишнинг Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларида белгиланган тартибда амалга оширилади».

* Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 16.10.2018 йилдан кучга кирди.

Реклама



Ўзбекистон
Республикаси
қонунчилиги

www.norma.uz

Ижара шартномаси солиқ идорасида қандай ҳисобга қўйилади

2-бетда ман олганда, тасдиқланган ҳужжатга жиддий ўзгаришлар киритилмаган. Дастлаб таклиф этилган вариантдан бирмунча фарқланувчи жиҳатларни кўриб чиқамиз.

Биринчидан, жисмоний шахслар ўртасидаги уй-жойнинг ижара шартномаси асосан ДСҚ веб-сайтида очиладиган шахсий кабинет орқали онлайн ҳисобга қўйилади. Хоҳишга кўра бунинг учун ижарага берувчининг доимий яшаш манзилидаги (юридик шахс рўйхатдан ўтган жойдаги) ёки ижарага берилаётган уй-жой жойлашган жойдаги солиқ органларига бево-сита мурожаат қилиш мумкин. (Лойиҳада кўчмас мулк жойлашган жой ёки уй-жойни ижарага бераётган шахснинг яшаш жойидан қатъи назар, исталган солиқ органда ҳисобга қўйишга рухсат берилиши назарда тутилган эди).

Онлайн рўйхатдан ўтказиш реал вақт режимида, шахсан мурожаат қилганда эса «қоғоз» ариза тақдим этилганда ўша вақтнинг ўзида амалга оширилади.

Иккинчидан, ижарага берувчи солиқ органларига тақдим этадиган ҳужжатлар рўйхатида кадастр йиғмажилди қайд этилган эди. Энди тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатидан ҳам, рўйхатдан ўтиш учун сўровномада тўлдириладиган маълумотлардан ҳам ушбу позиция чиқариб ташланди.

Шу тариқа, солиқ идорасига қўйиладиган тақдим этиш керак:

- кўчмас мулкнинг тури, жойлашган манзили, ижарага берилган майдон, ижарага берилган сана ва муддат, бир ойлик ва умумий ижара ҳақи суммаси кўрсатилган сўровнома. Кадастр гувоҳномасининг рёвстр рақами ва санасини, шунингдек кадастр рақамини (кодини) қайд этиш керак эмас;

- ижара шартномаси (белгиланган намунавий шаклда ёки Фуқаролик кодекси қоидаларига мувофиқ эркин шаклда тузилиши мумкин);

- жисмоний шахснинг ёки юридик шахс раҳбарининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси. Агар вакил қатнашса – унинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.

Учинчидан, лойиҳада солиқ органлари, миграция, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳудудий органлари, профилактика инспекторлари ижара шартномалари ҳисобга қўйилиши устидан назорат ва мониторинг ўрнатиши таклиф этилган эди. Бироқ қабул қилинган ҳужжатда ушбу норма ўз аксини топмаган.

Бу – муҳим! Кўчмас мулк ижара шартномасининг солиқ органларида 1 йилдан ортиқ муддатга ҳисобга қўйилиши уни давлат рўйхатидан ўтказиш мажбуриятдан озод қилмайди. Шу тариқа, 1 йилгача муддатга тузилган шартномалар фақат солиқ органларида ҳисобга қўйилади, 1 йилдан ортиқ муддатга тузилганлари эса – бир вақтнинг ўзида солиқ органларида ҳисобга қўйилади ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёр тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналарининг туман (шаҳар) филиалларида давлат рўйхатидан ўтказилади (тадбиркорлик субъектлари шартномалари Давлат хизматлари марказлари орқали рўйхатдан ўтказадилар).

Лойиҳада назарда тутилганидек, солиқ органларида ҳисобга қўйиш бепул амалга оширилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 1.01.2019 йилдан кучга киради.

Самир Латипов, Олег Заманов,
Ленара Хикматова,
«Norma» МЧЖ экспертлари.

Паспортимдаги Виза ва рухсатномалар бериш бўлими стикерининг амал қилиш муддати тугаганда Қатар давлатида бўламан. Шунда визани расмийлаштириш талаб этиладиган бошқа мамлакат, масалан, БАА, Малайзия, Таиланд ва бошқага учиб, кейин эса яна Қатарга қайтиб, керакли вақтда Виза ва рухсатномалар бериш бўлими стикерини янгилаш учун муаммосиз Ўзбекистонга келсам бўладими?

Муаммосиз уйга етиб келиш учун

– Стикернинг амал қилиш муддати чет элда та-мом бўлиши Ўзбекистонга киришда, шунингдек бир хорижий давлатдан бошқасига сафар қилишда жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ кириш визаларини расмийлаштириш талаб этилмайдиган хорижий давлатлардан бошқа хорижий давлатларга сафар қилиш бундан мустасно (Тартибнинг I бўлими 7-банди 2-хатбошиси, ВМнинг 6.01.1995 йилдаги 8-сон қарорига 1-илова).



Шу тариқа, Қатар давлатида бўлган пайтингиз-да стикернинг амал қилиш муддати тугаса, сиз тилга олган мамлакатларга чиқишингиз мумкин. Сўнг яна Қатарга қайтишингиз ва уни узайтириш учун Ўзбекистонга келишингиз мумкин. ЎзРнинг чет элдаги дипломатик ваколатхонасида вақтинча консуллик ҳисобида туриши мумкин бўлган фуқаролар (хизмат сафарига, ўқишга, даволанишга, конт-ракт бўйича ишлашга чиққан фуқаролар) тоифасига кирсангиз, Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистонидаги Элчихонасига вақтинча консуллик ҳисобида туриш ва стикернинг амал қилиш мудда-тини узайтириш учун мурожаат қилишингиз лозим (Тартибнинг II бўлими 5-банди).

Ҳуқуққа эга

Ота никоҳда бўлмаган фарзандини, бунда фарзанди отасининг фамилиясини олган, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномасининг «Отаси» устунида унинг Ф.И.О. қайд этилган бўлса, ўз уйида пропискадан ўткази олади-ми?

А.Зеленский. Тошкент ш.

– Ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онанинг туғилган болалар ота-онаси ва уларнинг қариндошларига нисбатан ўзаро никоҳда бўлган шахслардан туғил-ган болалар билан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар (Оила кодексининг 64-моддаси).



Қариндошлар «Тошкент шаҳри ва Тошкент ви-лоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари

тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Қонун кучга киргунга қадар ўзларининг тўғри шажара бўйича би-ринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлари доимий прописка қилинган уй-жой майдонида прописка қили-нади (14.09.2011 йилдаги ЎРҚ-296-сон Қонун билан тасдиқланган Рўйхатнинг 2-банди).

Тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи да-ражадаги қариндошлар, яъни ота-она фарзанд-ларининг, фарзандлар ота-оналарининг, бобо ва бувилар невараларининг, неваралар бобо ва буви-ларининг уй-жой майдонида прописка қилинади.

Шу сабабли болани ўз отасиникида доимий про-пискадан ўтказиш учун Тошкент шаҳри ИИБнинг миг-рация ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

- белгиланган шакл бўйича ариза;
- паспорт;
- турар жой учун ҳужжатларнинг нусхалари;
- уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;
- бола туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
- давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитан-ция (Низомнинг 4-банди, ВМнинг 16.02.2012 йилдаги 41-сон қарорига 1-илова).

Розилигимни тасдиқлайман

Ота-онамнинг квартирасида яшаймиз. Бош-қа шаҳарда турган ва қачон келиши номат-лум бўлган отамнинг рухсатсиз турмуш ўртоғимни вақтинча пропискадан ўткази оламанми?

Отамнинг ишончномаси бўйича уни прописка қилдира оламанми? Ёки бунинг бошқа усул-лари мавжудми?

Дилором Д. Тошкент ш.

– Ҳа, турмуш ўртоғингизни прописка қилдириш учун отангизнинг розилигини олишингиз зарур, у Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига муво-фиқ нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши ке-рак (АВ томонидан 28.06.2016 йилда 2804-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йуриқноманинг 5-банди).

Шартномага кўра

12 яшар қизимиз Москвадан кузатувимизсиз нота-риал розилигимизга кўра «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси орқали учиб кетди (муддати бола 18 ёшга тўлгунча, бо-риш ва қайтишга деб кўрсатилган).

У ушбу розилик билан кузатувимизсиз қай-тиб учиб кела оладими?

А.Меримова.

– Сиз билан «Ўзбе-кистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси ўрта-сида фарзандингизни бориш ва қайтишда ташиш учун тузил-ган шартномага кўра уни кузатуви шахс белгиланади. Вояга етмаган бола учиб кетаётганда аэропортда 3 нусхада «Ташиш учун сўровнома» рас-мийлаштирилади. Бир нусхаси бола жўнаб кетаётган аэропортда ташувчининг жавобгарлиги остига берил-ганлиги далилини тасдиқлаш учун вояга етмаган болани кузатаётган шахсга топширилади. Сўровноманинг иккинчи нусхаси – бола тайинланган аэропортда қабул қилувчи ташувчининг вакилига топширилганлигини рас-мийлаштириш учун экипажга топширилади. Учинчи нусхаси кузатиб борилаётган боланинг чиптасига илова қилинади ва бола уни қўтиб олувчига топширилганлиги далилини тасдиқлаш учун хизмат қилади.

Шу тариқа, ота-онанинг болани шартномада қайд этилган тарзда ташишга нота-риал тасдиқланган розилигига кўра юқорида кўрсатилган тартибда болангиз Москвага қайтиб келиши мумкин.

Аҳвол ўзгармади

Ўзбекистон фуқаросиман. 2014 йилда Корея Республикасида паспортимни йўқотиб қўйганман. Ўзбекистоннинг Кореядаги Элчихонаси берган вақтинчалик ҳужжат билан ватанимга қайтганман. Мамлакат ташқарисидида ва ичидида қонунбузарликларга йўл қўймаганман. МФРБ ББда менга чеклов қўйишди, бироқ бунинг сабаби ва уни қачон олиб ташлашлари хусусида тушунтириш беришмади. Оқибатда 2 йилдан буён МДХ ташқарисига чиқа олмаяпман.

Бу вазиятда қандай йўл тутишим мумкин?

Евгений Н. Тошкент ш.

— Бир қатор сабаблар чет элга бориш ҳуқуқини чеклаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Масалан, агар шахсга нисбатан ИИВда ёки ТИВда ваколатли органларнинг ушбу шахснинг чет элда бўлган вақтида келган мамлакат қонунларини бузганлиги (қонун бузилишлари рўйхати тегишли органлар томонидан белгиланади) тўғрисидаги ахбороти, шунингдек бориш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатадиган ахбороти мавжуд бўлса — ахборот ҳисобга олинган кундан бошлаб 2 йил ўтгунга қадар (8-сон Тартибнинг III бўлими «э» банди).



Сизнинг ҳолатда Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет элда паспортини йўқотиши ўша мамлакат қонунларини бузиш ҳисобланади.

Фуқаро Тартибнинг III бўлимида назарда тутилган асосларга кўра чет элга бориш ҳуқуқининг рад этилиши, белгиланган муддатдан ортиқ жавоб бермаганлик ҳолати юзасидан юқори турувчи органга шикоят қилиши мумкин, у бир ойдан кечиктирмай жавоб бериши керак, унинг қароридан норози бўлганда эса судга шикоят қилиши мумкин.

Чет элга бориш ҳуқуқи чекланишининг қуйидаги сабаблари устидан шикоят қилишга йўл қўйилмайди:

➤ шахс давлат сирини ҳисобланган маълумотлардан воқиф бўлса ёки унинг чет элга боришига монелик қилувчи бошқа шартнома, контракт мажбуриятлари амалда бўлса;

➤ шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлса;

➤ шахс қақирқ участкасида рўйхатга олинган ва ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга қақирилиши керак бўлса;

➤ шахсга нисбатан ИМВда ёки ТИВда ваколатли органларнинг ушбу шахснинг чет элда бўлган вақтида келган мамлакат қонунларини бузганлиги тўғрисидаги ахбороти мавжуд бўлса (8-сон Тартибнинг III бўлими «а», «б», «ж» ва «э» бандлари).

2 йилдан ортиқ ҳисобда турган бўлсангиз, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасига мурожаат қилиб, чет элга боришга чекловни олиб ташлашни сўраб ариза беришингиз лозим.

Санжар Хўжааҳмедов, «Norma» МЧЖ эксперти.

ЯНГИЛИКЛАР

Пропискада турганлик ҳақидаги ахборот — электрон почта орқали

Манзил-маълумот ахборотларини тақдим этиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти (ВМнинг 4.10.2018 йилдаги 797-сон қарорига 2-илова) тасдиқланди.

Маъмур ахборотлар доимий пропискада турганлик, пропискадан чиққанлик, турган жойи бўйича ҳисобга олинганлик, вақтинчалик рўйхатдан ўтганлик, шунингдек маълумот мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Бундай ахборот учинчи шахсларга берилмайди.

Ҳужжат икки хил усулда: Давлат хизматлари марказларига шахсан бориш йўли билан ёхуд масофадан туриб Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) орқали олинади. Давлат хизмати учун йиғим миқдори — ЭКИХнинг 10%и (материал эълон қилинган пайтда — 18 430 сўм).

Хизматдан фойдаланиш учун ариза бериш талаб этилади, унда қуйидагилар кўрсатилади:

- Ф.И.О.;
- туғилган санаси;
- жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (мавжуд бўлганда);
- яшаш манзили;
- электрон манзили ва телефон рақами;
- манзил-маълумотлар бюросининг (ИИБ, вилоятлар ИИБ ва Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги манзил-маълумот бюрolari) номи.

Ариза берувчи Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этганда аризани унинг ходими тўлдирди.

Давлат хизмати кўрсатишнинг мажбурий шарт — уни олувчида электрон рақамли имзонинг (ЭРИ) мавжуд бўлиши. Бу билан маълумотлар сир сақланиши

таъминланади. Ушбу талаблар Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этиш ҳолларига ҳам, OneID сервис орқали ЯИДХПда рўйхатдан ўтишга ҳам татбиқ этилади. Қўлайлик яратиш мақсадида Давлат хизматлари маркази жойининг ўзида 40 дақиқада ЭРИни расмийлаштириши мумкин, бироқ бунинг учун яна ЭКИХнинг 10%ини тўлаш талаб этилади.

Маълумотномани расмийлаштириш учун масъул орган — ИИБ, вилоятлар ИИБ ва Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги манзил-маълумот бюрolarига 1 иш куни берилади. Маълумотнома масъул орган томонидан ЭРИ ёрдамида тасдиқланади, шунингдек ҳужжатнинг QR-коди (матрицали штрих-коди) генерацияланади. Маълумотнома ариза берувчининг электрон почтасига юборилади. Бунда ариза берувчи ўзи келиб мурожаат қилган ҳолдагина Давлат хизматлари маркази ўз муҳрини ва масъул шахс имзосини қўяди.

Маъмурий регламент кучга кирганига қарамай, давлат хизмати кейинроқ ишга туширилиши мумкин. Ҳужжатда ваколатли органларга тегишли ишни ташкил этиш юзасидан топшириқлар берилган.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 5.10.2018 йилдан кучга кирди.

Самир Латипов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Паспортлар индексидagi ранжировка бўйича

Henley & Partners компаниясининг ҳар йилги Паспортлар индекси жаҳондаги 200 дан ортиқ мамлакат ва ҳудудларнинг виза қоидаларини таҳлил қилиб, визасиз кириладиган мамлакатлар сони бўйича уларни ранжировка қилади.

Henley & Partners компанияси барча мамлакат ва ҳудудларнинг виза режими қоидаларини синчиклаб ўрганиб чиқиб, ҳаракатланиш эркинлиги даражаси, яъни кўрсатилган мамлакат фуқаролари виза расмийлаштирмасдан бориши мумкин бўлган бошқа мамлакатлар сони бўйича давлатлар рейтингини тузди.

Индексга кўра Ўзбекистон фуқаролари жаҳоннинг 59 та мамлакатига визасиз ташриф буюришлари мумкин.

Рейтингда биринчи ўринни Япония эгаллайди. Япония паспорти билан жаҳоннинг 189 та мамлакатига визасиз саёҳат қилиш мумкин. Иккинчи ўринда Германия ва Сингапур туради (188 та мамлакат).

Манба: UzDaily.uz.

Эълонлар ва реклама

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов — исталган шаклда. Тел.: 71-236-76-46, 71-233-74-95, 71-233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

СОТИБ ОЛАМАН

Компьютер ва мониторлар (+998 90) 909-50-65.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

www.norma.uz

Иқтисодий — ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ ХУҚУҚ СОЛЛИКЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида ўйратта олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул —
бош муҳаррир
Ўринбосари,
масъул қотиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия

Самдмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1.
Тахририят тел. (71) 200-00-90
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета нотири — «TOPPRINT» МЧЖнинг компьютер базасида тегишли ва сақланади.
Нашр қўрсаткичи — 186. Кўра бечали — А3. Ҳужми — 2 босма тибос. Баҳоли ялпилиги — 186.
Буқорма 437. Адади 810. Газета 2018 йил 22 октябрь соат 16.30 да топширилади.